ЭЛ – ЮРТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ САҲИФАЛАРИДАН

С.А.ҲОШИМОВ

В статье на основе научных и архивных источников анализируется деятельность комитета «Миллий бирлик қўмитаси», организованного религиозными деятелями и интиллегенцией в годы вооруженного сопротивления в Туркестане и частности Ферганской долине

It is analized in this article on the base of scientific and archive sources the activity of comeete "milli birlik " arganized religuos servicers and intelegences in the years armed opposition in Turkistan also in Fergana valley

1999 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш масаласига бағишланган Фармойиши эълон қилинган эди. Бу тарихий Фармойишдан кейин кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 июль куни Республика Вазирлар Маҳкамаси "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" қарор қабул қилган. Шу икки ҳужжат чор ва совет ҳокимияти даврида мустамлакачилик жабру жафоларини кўрган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш ишларининг бошланиши ва кенг миқёсда олиб борилишида муҳим роль ўйнади. 2001 йил 1 майдаги Президент И.А.Каримовнинг Фармони билан "Қатағон даври қурбонларини ёд этиш куни"нинг таъсис этилиши, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг барпо этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ушбу қарорлар асосида юртимизда мустамлакачилик даври қурбонларининг пок номларини тиклаш ва улар хотирасини абадийлаштириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Тарихий хотирани тиклаш йўлида, айниқса, XX аср 20-50-йиллари сиёсий қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларга бағишланган ижодий асарлар, мақолалар, монографик тадқиқотлар ҳамда диссертациялар яратиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидандир.

Туркистонда большевиклар мустабид тузумининг ўрнатилиши жараёнида ерли халқнинг мустақиллик учун курашган қуролли қаршилик ҳаракати иштирокчилари, миллий мухолифатда бўлган барча кучларига нисбатан совет ҳокимияти шафқатсиз қатағон сиёсатини амалга оширди. Ўлканинг етук зиёлилари, руҳоният вакиллари саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган мухолиф гуруҳлар ҳам "инқилоб душманлари" сифатида таъқиб ва тазйиққа олинган ва ташкилот аъзолари жисмонан йўқ қилинган. Шундай ташкилотлардан бири "Миллий бирлик қўмитаси" эди.

Биз ушбу мақолада Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш, уларга руҳий далда ва амалий ёрдам бериш мақсадида фаолият юритган "Миллий бирлик қўмитаси" ва унинг аянчли тақдири ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1920 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Садриддинхўжа Шарифхўжаев, Каримов Гариф Альминович, Қурбонов Юсуфбек, Умаров Муҳаммаддиёр, Ниёзбеков Рустамбек ва Зиёмуҳаммедов Абдуллажонлар томонидан "Миллий бирлик қўмитаси" ташкилоти тузилади ва 1921 йил апрелига қадар фаолият кўрсатади[1.1].

"Миллий бирлик қўмитаси", асосан, уламолар ва зиёлилар вакилларидан иборат бўлиб, ташкилот Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган Шермуҳаммадбекка кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ташкилот фаолияти марказий кенгаш йиғилиши орқали идора қилиниб, унинг раиси этиб дастлабки ойларда Каримов Гариф Альминович сайланган, 1921 йил мартидан уни Садриддинхўжа Шарифхўжаев бошқарган.

Ташкилот фаолият кўрсатган тарихий шароитга бир назар ташласак, унинг қайси мақсадларда ташкил этилгани масаласи ойдинлашади. 1920 йил охири – 1921 йилнинг бошларида советлар Шермуҳаммадбек бошчилигидаги қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига қарши жуда катта кучларни ташлади. 1920 йилнинг октябрига келиб Фарғона фронтида Г.В.Зиновьев қўмондонлиги остида 42 та батальон, 137 та рота, 34 та юзлик ва эскадрон, 14 та батарея бўлинмаси, 11262 пиёда, 4241 кавалерист, жами 27687 нафардан иборат қўшин тўпланди. Унинг ихтиёрида 66 та тўп, 376 та пулемёт, 19658 та милтиқ, 6 та самолёт, 3 та аэростат, 4 та бронопоезд, 6 та броневик машина бор эди [2.238]. Шу қадар катта қўшин большевиклар режими томонидан мустақиллик учун курашаётган ҳаракатни тугатиш учун ташланди, ваҳоланки, ҳаракат сафларида кўрилаётган даврда бор йўғи 6450 киши бўлиб, уларнинг кўпи қурол-яроғсиз эди [2.238].

Бу даврда Туркистонда совет ҳокимиятининг

кирдикорларини тушуниб етган миллий руҳдаги кишилар қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига, жумладан, Шермуҳаммадбекка моддий ҳамда маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Фарғона водийсидаги кучлар нисбати Қизил армия фойдасига ҳал бўла бошлаганини кўрган "Миллий бирлик қўмитаси" аъзолари ҳаракат қатнашчиларини қурол-яроғ, молиявий ва бошқа керакли маблағ билан таъминлашда четдан, хорижий давлатлардан ёрдам олиш керак деган қарорга келадилар. Шундан сўнг, 1921 йил 9 март куни кечки соат 9 билан тунги соат 3 оралиғида Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида Зиёмуҳаммедов Абдуллажоннинг хонадонида олдиндан тузилган режа асосида ташкилотнинг навбатдаги йиғилиши чақирилади. Йиғилишда Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракат қатнашчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокама этилди [1.3].

Қўмита аъзолари ушбу мақсадлар учун хорижий давлатлар, жумладан, Англия ва Япония ҳукуматларидан ёрдам сўрашга келишдилар. Шундан сўнг "Миллий бирлик қўмитаси марказий кенгаши раиси" номидан иккита хат тайёрланади: хатнинг бири Англия ҳукуматининг Хитойнинг Ғулжа шаҳридаги вакилига, иккинчиси – Япония ҳукуматининг Ғулжадаги вакилига эди. Хат-мурожаатларда Туркистондаги сиёсий вазият баён қилиниб, Англия ва Япония ҳукуматларидан Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракат қатнашчиларини қурол-яроғ ва керакли маблағ билан қўллаб-қувватлаш сўралади. Ҳар иккала хатга ҳам Фарғона миллий армияси Олий Бош қўмондони Шермуҳаммедов (Шермуҳаммадбек – С.Ҳ.), Бухоро миллий ҳаракати етакчиси Музаффариддин, Хива мустақиллик қўмитаси раиси Олимбек Омонқулов ва "Миллий бирлик қўмитаси" раиси Садриддинхўжа Шарифхўжаев ҳамда ташкилотнинг қолган аъзолари имзо чекишган эди. 1921 йил март ойининг бошларида хатларни манзилга етказиш учун қўмита аъзоларидан Гариф Каримов ва Юсуфбек Қурбоновлар Туркистон Республикаси халқ маорифининг имзоси билан тайёрланган қалбаки ҳужжат асосида сафарга жўнатилади. Афсуски, улар 1921 йилнинг 16 мартида Авлиёотада қўлга олиниб, Тошкент шаҳридаги умумий қамоқхонага олиб келинади [1.4-5]. Қисқа муддатда ташкилотнинг қолган аъзолари ҳам ЧК ходимлари томонидан бирин-кетин ҳибсга олинадилар.

1921 йил апрелида Каримов ва Қурбоновларнинг ТуркЧК томонидан ҳибсга олинганидан хабар топган Садриддинхўжа Шарифхўжаев аввалига Раҳмонқул Қўрбоши хузурига боради, сўнгра қуролли қаршилик ҳаракати етакчиси Шермуҳаммадбек (ҳужжатда Кўршермат – С.Ҳ.) билан бўлади. Албатта, ана шундай нуфузли шахснинг ҳаракат қатнашчилари билан мулоқотда бўлиши қўрбоши йигитларини руҳлантирмай қолмас эди. Бироқ тез оради уни ҳам ЧК ходимлари ушлаб, Тошкентга олиб келиб умумий қамоқхонага ташладилар [1.4-5].

Шу ўринда табиий савол туғилади. Нега ташкилот аъзолари четдан ёрдам олишга қарор қилдилар? Чунки бу даврда, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларида Туркистонда тиш-тирноғигача қуролланган катта кучга қарши тура олиш ва ғолибликни қўлга киритиш имконияти йўқ эди. Бу даврда Фарғона водийсида очарчилик ҳукм суриб, тинч аҳоли қуролли ҳаракат қатнашчиларини на моддий жиҳатдан, на озиқ-овқат билан таъмин этолмас эди. Шунингдек, ўлкадаги Бухоро ва Хива давлатлари ҳам советлар томонидан ағдарилиб ташланган, ҳаракатни ичкаридан қўллаб-қуватловчи кучлар деярли йўқ эди. Шундай шароитда ташкилот аъзолари четдан, асосан, Англия ва Япония ҳукуматларидан ёрдам кутди. Бунинг боиси ўша вақтларда Шермуҳаммадбек ва унинг қўл остида ҳаракат қилаётган бошқа қўрбошилар ҳам кўпроқ совет давлатига қилинган 1918-1920 йиллардаги 14 та давлатдан иборат чет эл интервенциясининг ғалаба қозонишига умид қилгани сир эмас эди. Бироқ бу интервенция мағлубиятга учрагач, уларнинг умидлари кўпроқ Афғонистон орқали Англиядан мадад олишга қаратилди. Бироқ биринчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий танглик, мамлакат ичидаги ички зиддиятлар туфайли ушбу давлатларнинг ҳам Туркистондаги озодлик курашчиларига амалий ёрдам бериши амримаҳол эди. Умид эса ҳеч бир шароитда ўчмас, келажакка чорловчи ҳис-туйғудир.

"Миллий бирлик қўмитаси"нинг шахсий таркиби, аъзоларининг қисқача таржимаи ҳоли ва сиёсий фаолияти тўғрисида манбалар шоҳидлиги куйидагилардан иборат:

Садриддинхўжа Шарифхўжаев – 1873 йилда Тошкент шаҳрининг Шайҳонтоҳур даҳаси Мерганча маҳалласида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган. Мадрасада олий маълумот олган. Чор ҳукумати даврида муфтий, яъни диний уламо бўлган. Совет тузумининг ерли халққа нисбатан юритган мустамлакачилик сиёсатини ўз кўзи билан кўргач, уларга қарши эрк ва озодлик учун курашган. Фарғона водийсидаги қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларининг ғоявий раҳнамосига айланган. "Миллий бирлик қўмитаси" нинг раиси сифатида фаолият кўрсатган [1.5-6].

Гариф Альминович Каримов – 1889 йил Оренбург губерниясида туғилган. Деҳқон оиласида тарбия топган. Москвадаги савдо таълим юртида таҳсил олган. Тошкент шаҳрида яшаб, Тошкент маориф институтида ишлаган. “Миллий бирлик қўмитаси”нинг ташкилотчиларидан бири бўлган. Ташкилот дастлаб ташкил топган вақтда унинг раиси сифатида фаолият юритган. Туркистон озодлиги учун большевистик режимга қарши курашчилар сафида бўлган [1.5-6].

Юсуфбек Қурбонов – ташкилотнинг энг ёш аъзоларидан бири бўлган. ЧК органлари томонидан ҳибсга олинганда 22 ёшда эди. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳаси Дегрез маҳалласида яшаган. Савдогарнинг фарзанди. Халқ маорифи комиссарлигида ишлаган. Юрт озодлиги учун курашган. Мунтазам равишда Фарғона водийсида бўлиб, қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларини ғоявий жиҳатдан руҳлантириб турган [1.5-6].

Муҳаммаддиёр Муҳаммад Умаров – 1888 йил Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасида туғилган. Ўқитувчи бўлиб ишлаган. “Миллий бирлик қўмитаси” аъзоси. Совет тузумига қарши кайфиятда бўлган. Миллий мустақил Туркистон Республикаси тузиш учун курашган. Аксилинқилобчи сифатида ЧК ходимлари томонидан 1921 йил 21 июнда ҳибсга олинган [1.7-8].

Рустамбек Ниёзбеков – 1879 йил Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳаси Мерганча маҳалласида туғилган. Рус-тузем мактабида таҳсил олган. Октябрь тўнтаришига қадар мусулмон мактабида таъминотчи бўлиб ишлаган. Ташкилотнинг фаол аъзоларидан бири бўлган [1.7-8].

Абдуллажон Зиёмуҳаммедов – Маориф Халқ Комиссарлигида инструктор бўлиб ишлаган. Қуролли қаршилик ҳаракати етакчиларидан Раҳмонқул Қўрбоши билан яқин алоқада бўлган. “Миллий бирлик қўмитаси” аъзоси. Ташкилот аъзоларидан Каримов Гариф Альминович ва Қурбонов Юсуфбеклар қўлга олингач, Зиёмуҳаммедов Абдуллажон Фарғона водийсига келиб қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари сафига қўшилган. Совет тузумига қарши курашда уларни руҳлантириб турган [1.9].

“Миллий бирлик қўмитаси” аъзолари 1921 йил апрелидан декабрига қадар Тошкент шаҳридаги умумий қамоқхонада қатъий назорат остида сақланиб, ЧК ходимлари томонидан турли қийноқ ва жазо усулларини қўллаш орқали “айблари” бўйнига қўйилган.

1921 йил 14 декабрда Тошкент шаҳрида Туркистон Марказий Ижроия комитети ҳузуридаги олий инқилобий трибунал Шарифхўжаев Садриддинхўжа, Каримов Гариф Альминович, Қурбонов Юсуфбек, Умаров Муҳаммаддиёр, Ниёзбеков Рустамбек ва Зиёмуҳаммедов Абдуллажонларни аксилинқилобий ҳаракат қатнашчилари бўлгани, совет ҳукуматига қарши ташвиқот олиб боргани, Англия ва Япония ҳукуматларининг Хитойнинг Ғулжа шаҳридаги вакилларига мурожаат қилиб, Фарғона водийсидаги қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига пул, қурол-яроғ ва керакли асбоб-анжомлар ҳамда маблағ билан ёрдам беришларини сўраганлари учун, шунингдек, Садриддинхўжа Шарифхўжаев ва Абдуллажон Зиёмуҳаммедовларни Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ғоявий раҳбари сифатида жиноий жавобгарликка тортиб, уларга олий жазо – отув ҳукмини чиқарди. Бироқ 1921 йил 2 ноябрда чиққан Октябр тўнтариши (ҳужжатда Октябр инқилоби дейилади – С.Х.)нинг тўрт йиллиги муносабати билан қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига авф бериш тўғрисидаги қарорга биноан юқорида номлари зикр қилинган “Миллий бирлик қўмитаси” ташкилоти аъзолари устидан чиқарилган отув ҳукми турли муддатларга қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Уларнинг мол-мулки мусодара қилинади [1.9-10].

Шундай қилиб, Садриддинхўжа Шарифхўжаев бошчилигидаги руҳоният вакиллари ҳамда миллий зиёлилардан ташкил топган “Миллий бирлик қўмитаси” қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш, уларга хориждан кўмак уюштириш мақсадларидаги ҳаракатлари учун совет ҳокимиятининг жазоловчи органлари томонидан қатағон қилиндилар. Бундан кўриниб турибдики, совет ҳокимияти ўлкада ўз ҳокимиятини ўрнатиш йўлида унга қарши чиққан ерли халқ вакилларини, ҳар қандай ташкилот ва кучларни ҳам маънан, ҳам жисмонан йўқ қилиб ташлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам.

АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзР МДА 344-фонд, 1- рўйхат, 215 – йиғма жилд.
2. Туркистан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости.- Т.: Шарқ, 2000

Андижон давлат университети
2011 йил 22 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.А.Алимов)